

А ж р и м

2025 йил 10 февраль куни жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг очик сайёр суд мажлиси Қумқўрғон туманидаги 69-сонли "Янги Ўзбекистон" Маданият маркази биносида бўлиб, туман судининг раиси Б.Тагаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Қурбонованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қумқўрғон туман прокурори Ш.Акрамов ва ҳимоячи-адвокат Т.Қоробоевларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 116-моддасининг 1-қисми билан Холмуратова Фарида Менгалиевнани айблаш ҳақидаги 1-1908-2501/31-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагилар,

а н и қ л а н д и :

Холмуратова Фарида Менгалиевна, 1989 йил 17 март куни Қумқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, муқаддам судланмаган, оиласидан ажрашган, икки нафар фарзанди бор, Республика Тез тиббий ёрдам маркази Сурхондарё вилоят филиали Қумқўрғон туман станцияси Ўзбекистон шахобчаси 1-пост навбатчи ҳамшираси бўлиб ишлайди, Қумқўрғон тумани, Тўда маҳалласи, Истиклол чашмаси кўчаси, 50 уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат орқали очикда қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 15 январь куни олган.

Дастлабки тергов органи томонидан, Ф.Холмуратова Республика Тез тиббий ёрдам маркази Сурхондарё вилоят филиали Қумқўрғон туман станцияси Ўзбекистон шахобчаси 1-пост навбатчи ҳамшираси вазифасида ишлаб келиб, 2024 йилнинг 17 июнь куни Олтинсой тумани, "Гулчечак" маҳалласи, Ободон кўчаси 58-уйда яшовчи фуқаро Чоршанбиев Ўрозали Чориевич Қумқўрғон тумани, "Шерозий" маҳалласида яшовчи холаси Бобохонова Гулжаҳон Турдалиевнанинг яшаш уйига борган вақтида, холасининг илтимосига асосан унинг ўғли 25.02.2014 йилда туғилган вояга етмаган Мамаюсупов Ҳаётбек Ўткировичнинг иситмаси чиққанлиги сабабли Республика Тез тиббий ёрдам маркази Сурхондарё вилоят филиали Қумқўрғон туман станцияси Ўзбекистон шахобчасига олиб борган вақтида, болани тўлиқ текширмасдан, шифокор кўрсатмасисиз ва рецептисиз, шахобчанинг беморларни қабул қилиш хонасида, унга дастлаб 3 мл. "Магний сульфат 25%" дори воситасини думба мушаклари орасига юбориб, боланинг иссиғи тушмагач, "Деклофенак" дори воситасининг 18 ёшгача бўлган болаларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмаслиги билган ҳолда, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасдан, 1 мл. "Деклофенак" дори воситасини ётган ҳолатда чап думбасига синама тариқасида нотўғри инъекция қилиши натижасида вояга етмаган Ҳ.Мамаюсуповнинг соғлиғи ёмонлашишига сабабчи бўлганликда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 116-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланиб судга берилган.



Судланувчи Ф.Холмуратова судга ёзма равишда аризасини тақдим этиб, ўзига қўйилган айбга тўлиқ иқдор ва пушаймонлик билдириб, ҳозирги кунда жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини, ярашганликларини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини, буни тушуниб етганлигини, бу каби ҳаракатларни бошқа такрорламаслигини, Жиноят-процессуал кодекси 583-моддаси тартиблари ва ярашув оқибатлари билан танишганлигини билдириб суддан ўйга оид бўлган жиноят ишини ярашув асосида айблилик масаласини ҳал этмасдан туриб ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Г.Бобохонова судга ёзма равишда аризасини тақдим этиб, ҳозирги кунда унга етказилган зарар судланувчи томонидан тўлиқ қоплаб берилганлигини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, уни кечирганлигини ва у билан ярашганлигини, Жиноят-процессуал кодекси 583-моддаси тартиблари ва ярашув оқибатлари билан танишганлигини билдириб суддан судланувчи Ф.Холмуратовага оид бўлган жиноят ишинини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ шу Кодекс 116-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси 4-қисмида, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши шу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилмасдан тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрь кунидаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 1-бандида, ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлиши тушунтирилган.

Суд, судланувчи Ф.Холмуратова ва жабрланувчи Г.Бобохонова ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор ҳамда ҳимоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Ф.Холмуратова айбига ихтиёрий иқдорлиги ва жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги, судланувчига нисбатан бўлган мазкур жиноят ишини ярашув асосида тугатишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги ҳамда Жиноят кодекси 116-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят шу Кодекснинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашув институти таъсир доирасига тушишини инобатга олиб, Ф.Холмуратовага оид бўлган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни, жабрланувчига етказилган зарар қопланганлигини қайд қилишни, жабрланувчига Жиноят-



процессуал кодексининг 583-моддасига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни, эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни, ёзма далилларни жиноят ишига қўшилганлигини қайд қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят–процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисми, 583-586-моддаларига амал қилиб, суд,

а ж р и м қ и л д и :

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 116-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Холмуратова Фарида Менгалиевнага оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига асосан жабрланувчи Бобохонова Гулжахон Турдалиевна билан ярашганлиги муносабати билан айбблик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилсин.

Жабрланувчи Бобохонова Гулжахон Турдалиевнага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ф.Холмуратованинг эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ёзма далил тариқасида эътироф этилган комисион экспертиза хулосаси, амбулатор карта нусхаси, касаллик тарихи кучирмалари ва гувоҳларни сўрок қилиш баённомалари жиноят ишида сақланаётганлиги қайд қилинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Б.Тагаев

